

Закотни эрта бериш ва бошқа томонга олиб бориш жоизми?



12:00 / 04.05.2021 2543

هَذِهِ لَعَلَّ لِي صَبَّ النَّاسِ سَابِعًا نَأْتِيهِمْ هَلْ لِي صِرَّيْ لَعْنَةُ
وَبَأْ هَاوَرَ كَلَدِي هَلْ صَحَّ رَفَّ لِحَتْنَا لَبَقْرَةَ قَدَّصَلَّ لِي حُغَّتْ فِي مَلَسَو
أَنَا رَمُّعَلَّ لَقَمَلَسَو هَذِهِ لَعَلَّ لِي صَبَّ نَأْتِيهِمْ هَلْ لِي صِرَّيْ لَعْنَةُ
أَهْوَطَّ لِي سَأَنَّكَ يُرَاخُ بَلَّو مَاعَلَّ لِي وَأَلَّ مَاعَلَّ سَابِعًا لَعْنَةُ أَنْ دَخَّ أَدَقَّ
نِي مَوِيْلًا وَمَوِيْلًا ابْدِي لَعْنَةُ

Али розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Аббос Набий соллаллоху алайҳи васалламдан закотни вақти келишидан олдин бериш ҳақида сўради. Бас, у зот унга бундай қилишга рухсат бердилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

қилганлар.

يَا صَبِيَّ بْنَ لَيْلٍ الْجُرَّاعِ: لَأَقُؤَنَّ عُلَّيْ لِي ضَرِّيَ فَوَقْتُ لِي لَيْلِي أَبَانِ
عَقْدَ صِلَانِ مِمَّةٍ أَشْوَاقَانِ عِيْفَ كَدِّ عُبْلَتِ قُوَّتِيكَ: لَأَقُؤَنَّ مَسْوَءَ لَيْلِي لِي
أَمْ نِيْرِحَ أَمْ لَأَقُؤَنَّ عِيْطُغْتَ أَلْوَلِ: أَمْ أَلْسَلِ أَوْ أَلْصَلِ أَوْ لَيْلِي لَأَقُؤَنَّ
يَا أَيُّهَا سَنَلِ أَوْ أَوْ. أَوْ تَدَحَّ أَوْ

Абу Ҳилол ас-Сақафий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Сиздан кейин закотдан бўлган битта улоқни ёки қўйни деб қатл қилишимга оз қолди», деди.

У зот алайҳиссалату вассалам:

«Агар у муҳожирларнинг фақирларига берилмаганда, уни олмас эдим», дедилар».

Насайй ривоят қилган.

Шарҳ: Афтидан Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бир жойдан закотга тушган қўй-эчкиларнинг бир қисмини Мадинаи мунавварага олиб келганлар. У зот жўнаб кетганларидан кейин аҳоли ўртасида жанжал чиққан ва улар вакил бўлган кишига жаҳл билан таҳдид ҳам солишган. У эса Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга келиб, кўнгилсиз воқеани айтиб берган.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг унга айтган гапларидан маълум бўлмоқдаки, аслида закотни тўпланган жойида тарқатган маъқул. Аммо у жойдан кўра муҳтожроқ жой бўлса, амирнинг бошқа томонга олиб боришга ҳаққи бор.